

# NAZORAT-AUDIT

## AUDITING COMPANY

Address: 11/2, Gospital Area, Mirabad district, Tashkent city, STIR 202884570  
tel: +998 98 366 23 01, fax: +998 78 150 23 01, email: info@nazorat.uz, web: www.nazorat.uz

**«O'zvagonta'mir» акциядорлик жамиятининг 2019 йил якуни бўйича тузилган  
молиявий хисоботиغا ижобий фикр билдирилган**

### АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**«O'zvagonta'mir» акциядорлик жамияти таъсисчилари ва раҳбариятига**

**Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот:**

**МЧЖ «NAZORAT-AUDIT»**

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Госпитал кучаси 11/2.  
Телефон: 95-144-74-55, Факс: +998 71 150 23 01. Юридик шахсни давлат рўйхатидан  
ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги  
томонидан 11.12.2007 йилда № 545 рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 апрелда  
берилган «Барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви»ни  
ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга оширишга рухсат берувчи-серия  
АФ № 00811 Лицензияга эга.

Хисобрақами: 20208000604007713001 ХАТБ «DAVR-BANK» Чиланзар булими, МФО-  
01046, СТИР 202884570, ИФУТ 69202. email: ltd\_nazorat-audit@mail.ru, web:  
www.nazorat.uz.

Аудиторлик ташкилоти директори: Назаров Баходир Нематович САР, Ўзбекистон  
Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 26 апрел куни берилган №  
05207-сонли «Аудитор малака сертификати»

**Аудиторлик текшируви утказилаётган корхона тўғрисида маълумот:**

**«O'zvagonta'mir» акциядорлик жамияти**

100073, Ўзбекистон Республикаси, Ташкент ш, Яшнобод тумани, Фарғона йўли 3  
тор кўчаси № 163 Тел. 95-143-98-98

Тошкент шаҳар, Яшнобод туман Давлат Хизматларини кўрсатиш маркази  
томонидан «Юридик шахсни давлат рўйхатидан утказиш тўғрисида»ги №07-  
000296 сонли гувоҳномага асосан давлат рўйхатидан ўтган.

Хисоб рақами: 2021 0000 9041 2887 2001, АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк», Яшнобод  
филиали МФО 00432, ИНН - 203661294.

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NAZORAT-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Умаров Рахимжон Алиевич, САР, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан 30.07.2016 йилда берилган № 4976 сонли «Аудитор малака сертификати», аудиторлик ташкилоти билан «O'zvagonta'mir» акциядорлик жамияти ўртасида 01.04.2020 йилда тузилган 01/25-20 сонли шартномага асосан «O'zvagonta'mir» акциядорлик жамиятининг «Корхона баланси» – форма № 1, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» – форма № 2-шакл, «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот» – форма № 4-шакл, «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» – форма № 5-шаклларида иборат молиявий ҳисоботининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «O'zvagonta'mir» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамаизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «O'zvagonta'mir» акциядорлик жамияти,нинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**МЧЖ шаклидаги «NAZORAT-AUDIT»  
Аудиторлик ташкилоти директори:**

**Аудитор:**



**Б.Н.Назаров.**

**Р.А.Умаров.**

*Хулоса тузилган сана: «07» май 2020 йил.*